

**ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИДАН АМАЛИЙ ЖАРАЁНЛАРДА
ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИХТИРОЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ**

Кушвакова Юлдуз - ГулДу талабаси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Технология фани жараёнида ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришнинг ўзига хослиги ундаги инновацион ёндашув асосида ёшларга таълим бериш хақида сўз юритилган.

Калит сўзлар; касб олами, креатив, техник фикрлаш, меҳнацеварлик, ижодкорлик, тадбиркорлик, услугуб, кашкилот, ихтиро, рационализаторлик, инновацион, эфект, функсия, дизайннер, меҳнат .

Бугунги кунда жамиятимизда янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши, таълимнинг дунё таълим тизимига интеграциялашуви, дэмократиялаш ва тарақкий эттириш жараёнларининг ривожланиши таълим жараёнида Педагогик технологияларга янгича ёндашув зарурлигини тақозо этмоқда. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да Педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги кўп марта тақрорланиб, уларни ўқув муассасаларига олиб кириш зарурлиги уқтирилган. Республикализнинг таниқли олимлари минтақамизнинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган, илмий асосланган педагогик технологияларни яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интилмоқда.

Таълим жараёнида методларнинг педагогик моҳияти "Мактаб вояга етаётган авлод тафаккурини шакллентириш устахонаси"дир, агар келажакни қоълдан чиқаришни истамасанг, мактабни қоълда мустаҳкам " дэган эди франсуз ёзувчиси Анри Барбюс. Дарҳакиқат, келажагимиз давомчилари бўлмиш ёш авлодни ҳар томонлама мукаммал этиб тарбиялаш, уларга билим бэриш, хақиқий фидойилик ва мустаҳкам ирода талаб этади.

Таълим соҳасида олиб борилаётган ислохатлар шундай хуносалар чиқаришимизга асос бўла олади;

-Мамлакатимиз бўйича умумтаълим мактабларида технология дарсларидан амалий машғулотларни ташкил этиш етарли даражада эмаслиги.

-моддий техник база (жихоз мослама, хом ашё) деярли таъминланмаган.

-ўқув режа ва дастурларни мукаммаллаштириш.

-мутахасис ўқитувчиларнинг ўзлари касбий малакага эга бўлишилиги.

-Технология фанининг қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш асослари йуналишларидан самарали фойдаланиш хамкорлик лойихалар хамда келишувларни йўлга қўйиш.

-мактаб маъмуриятини ушбу йўналишга эътиборини жалб қилиш хамда технологик жараёнларида мактаб манфаати йўналишидаги келишувларни амалга ошириш.

-Методик таъминот, дарслик ўқув ва ишлаб чиқаришни амалий жараёнига жиддий эътибор қаратишда хаётийлик принципларига мурожаат қилиш.

Энг камида ушбу таклифлар амалга ошириладиган бўлса мақсадга эришиш орзу бўлиб қолмайди. Айнан бу масалаларни хохлаган мактаб мисолида кўриб чиқсак бўлади. Мактабда компьютер синфи бўлиш шарт, Химия дарсларида реактивлар асбоб ускуналар бўлиши шарт, жисмоний тарбия дарсларида спорт майдонлари теннис, топлар ва хоказо бўлиши керак, нима учун технология дарсларида ўқув устахонаси тикувчилик, пазандачилик хоналари бўлмаслиги керак. Ёшларни хаётга тайёрлашда технология фани мухим рўл эгаллайди деган эди машхур педагог Н.К.Крупская. Шундай қилиб ушбу фанни хаётда мухим эканлигини асослаш учун хаттоки фаннинг номини ўзгартириш асосида ушбу фанга бўлган эътиборни оширишга уринишлар бўлди шунга қарамай халигча фаннинг обрўси етарли даражада эмаслиги инсонни ажаблантиради.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий, ижтимоий фаолликка, сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётда тўғри йўл топа олиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантириш, шунингдэк, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда пухта ўзлаштирган, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутган педагогик ғояни илгари суради. Ушбу педагогик ғоя таълим тизими олдига:

- таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган хуқуқий-дэмократик давлат қурилиши жараёнларига мослаш;

- кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқсан ҳолда қайта қуриш;

- таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакллари ва услубларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишини ҳал этиш вазифаларини кўндаланг қилиб қўйди.

Бугунги кунда жамиятимизда янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши, таълимнинг дунё таълим тизимига интеграциялашуви, дэмократиялаш ва тараққий эттириш жараёнларининг ривожланиши таълим жараёнида Педагогик технологияларга янгича ёндашув зарурлигини тақозо

этмоқда. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да Педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги кўп марта такрорланиб, уларни ўқув муассасаларига олиб кириш зарурлиги уқтирилган. Республикализнинг таниқли олимлари минтақамизнинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган, илмий асосланган педагогик технологияларни яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интилмоқда.

Таълим жараённида методларнинг педагогик моҳияти "Мактаб вояга етаётган авлод тафаккурини шакллантириш устахонаси"дир, агар келажакни қоълдан чиқаришни истамасанг, мактабни қоълда мустаҳкам " дэган эди франсуз ёзувчиси Анри Барбюс. Дарҳақиқат, келажагимиз давомчилари бўлмиш ёш авлодни ҳар томонлама мукаммал этиб тарбиялаш, уларга билим бериш, хақиқий фидойилик ва мустаҳкам ирода талаб этади.

Таълим жараёнининг муваффақияти унинг шаклигагина эмас, балки қўлланилаётган методлар самарадорлигига ҳам боғлиқдир. Таълим назариясида ўқитиши (таълим) методлари марказий ўрин эгаллади.

Педагогнинг дарсга тайёргарлик қўришида методлар ва методик усулларни танлаши - бу уларнинг ўзаро алмашинувини вақт ва дидактик мақсад бўйича мувозанатлаштириш дэмақдир. Пировард натижасида ўқувчилар ақлий ва амалий фаоллигининг юқори даражасини таъминлашга шароит яратилади. Тўғри қўлланилган методлар объектив воқеликка оид билимларни чуқурлаштиради ва яхлит ҳамда машғулотнинг илмий- назарий даражасини оширади. Кетма-кет сараланган ўқитиши методлари маълум даражада билиш ва касбий қизиқишини ривожлантиришга, мустақил амалий фаолиятни фаоллаштиришга олиб келади. Таълим методлари ўқитишининг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш усулларини ҳамда ўқув материалиини назарий ва амалий йўналтириш йўлларини англатади.

Таълимнинг умумий мақсадидан келиб чиқиб ўқитишининг айни босқичидаги тарбиявий ва ривожлантирувчи масаларни ечиш заруратини ҳисобга олган ҳолда ажратилган вариант таҳлиланади ва баҳоланади. Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичидаги юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайям назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўнишка ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдэқ, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўнишка, малака даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндошувни талаб этади.

Професор Н.Саидаҳмедовнинг фикрича, «Технология шахсни ўқитиши, тарбиялаш ва ривожлантириш қонунларини ўзида мужассамлаштирган ва якуний натижани таъминлайдиган педагогик фаолиятдир». Технология

тушунчаси регулатив (тартибга солиб турувчи) таъсир этиш кучига эга бўлиб, эркин ижод қилишга ундаиди:

- самарадор оъкув-билиш фаолиятининг асосларини топиш;
- уни экстенсив (куч, вақт, ресурст йўқотишга олиб келадиган самарасиз) асосдан коъра интенсив (жадал), мумкин қадар илмий асосда қуриш;
- талаб этилган натижаларни мукафолатлайдиган фан ва тажриба ютуқларидан фойдаланиш;
- оъқитиши давомида тузатишлар эҳтимолини лойиҳалаш методига таянган ҳолда ёъқотиш;
- таълим жараёнини юқори даражада ахборотлаштириш ва зарурий ҳаракатларни алгоритимлаш;
- техник воситаларни яратиш, улардан фойдаланиш методикасини оъзлаштириш ва бошқалар.

Технология мураккаб жараён сифатида қатор ўқитиши босқичларидан, ўз навбатида, бу босқичларнинг ҳар бири ўзига хос амаллардан иборат бўлади. Амал -ўқитувчининг синфда мавзу бўйича ўқув элементларини тушунтириш борасидаги бажарган ишлар йигиндиси бўлиб, ўқитиши жараёнининг шу босқичида тугалланган қисмини ташкил этади.

Ўқтиши методлари таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг қандай бўлиши, ўқитиши жараёнини қандай ташкил этиши ва олиб бориш кераклигини ҳамда шу жараёнда ўқувчилар қандай иш ҳаракатларини бажаришлари кераклигини бэлгилаб беради. Эндиликда ўқитувчи актер эмас, балки режиссёр вазифасини бажаради.

Инновацион методлар ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ўқиши вазифаларини бажаришга қаратилган назарий ва амалий билиш фаолияти йўлидир. Ўқитувчи инсоният тажрибасида тўпланган билимлар билан ҳали бу билимларга эга бўлмаган боланинг онги ўртасида воситачилик ролини ўйнайди. Бола ижтимоий-тариҳий тажрибадаги барча билим бойликларини таълим олмасдан, ўқитувчисиз, мустақил ҳолда ўзи тизимли тарзда ўзлаштира олмайди. Ўқитувчининг энг катта хизмати ўқув материалини ўзлаштиришнинг муайям йўл, усувларини бэлгилашда намоён бўлади. Дарс жараёнининг методи ўқув материалини баён қилишга ва уни болалар яхши билиб олишга қаратилган фаолиятнинг йўли, усулидир. Таълим жараёни ва натижалари ўқитувчининг ўқувчилар билиш фаолияти ҳаракатини белгиловчи иш усувларига боғлиқдир. Шу сабабли доимо педагогикада таълим методларига ўқитувчининг иш усувлари ва ўқувчиларнинг билиш фаолияти усувлари деб қараладики, бу усувларнинг ҳар иккаласи ҳам ўқув вазифаларини бажаришга қаратилгандир.

Технологик таълимда инновацион методлар ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг хусусиятини белгилайди, таълимнинг мақсади ва мазмунига боғлиқ бўлади. Таълим методлари теварак-атрофдаги дунёни билишнинг умумий қонуниятларини тушунишга боғлиқдир, яъни улар фалсафий фикрларни, таълим жараёнининг моҳияти ва тамойилларини тўғри англаш натижасидир. Инновацион методлар ўқув материали мазмунидаги ифодаланган илмий фикр мантиқига боғлиқдир. Ўқув материалининг мазмуни тобора чуқурлашиб, мураккаблашиб ва илмий тус олиб бормоқда, шунинг учун талим методлари илмий билишнинг мантиқи ва методларига тобора қўпроқ боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ҳар бир метод психологик асосга эга. Боланинг ўқув материалини ўзлаштиришдаги ёш имкониятлари ва унинг этуклик даражаси ўқитиш ва ўқиш усулларига жуда катта таъсир кўрсатади. Ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини ва шахсий хусусиятларини яхши билиш ўқитишнинг самаралироқ усулларини топиш имконини беради.

Биз фойдаланадиган методлар ўсаётган организмнинг анатомик-физиологик, биологик хусусиятларига ҳам боғлиқдир. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил қилишда уларнинг ёшига хос биологик ўсишни ҳисобга олиш керакки, таълимнинг қўпгина жиҳатлари иш қобилияти, чарчаши, ижодий қайфият, жисмоний соғлиқ, мактабдаги гигиэна шароитлари айнан шу ўсишга боғлиқдир. Таълим методлари назарий жиҳатдан яхши асосланган бўлиши, педагогик назариядан келиб чиқиши керак, аммо, таълим методлари амалда қўлланилмаса, фойдасиз бир нарсага айланади. Амалий йўлланганлиги таълим методларининг энг муҳим томонларидан биридир. Бу методларда технология фани амалиёти билан бэвосита боғланган. Назария қанча чуқур ва илмий бўлса, таълим методлари ўшанча самарали бўлади. Педагогик қарашларда назария қанча кам ифодаланган бўлса, таълим методлари бу назарияга шунча кам боғлиқ бўлади.

Технология фани мактаблар ва ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини умумлаштиради, анъанавий таълимнинг илмий асосларини кўрсатиб беради, ўқитишнинг замонавий, самарали методларини ижодий равишда излаб топишга ёрдам беради. Ўқитиш методларини билиш манбалари бўйича таснифлаш анча оддий бўлиб, улар мактаб амалиётида кенг тарқалган. Бу белги бўйича методлар куйидаги уч гурухга бўлинади:

- ❖ Оғзаки методлар (билимларни сўз билан баён қилиш, сухбат, дарслик маълумотнома ва илмий адабиётлар билан ишлаш).
- ❖ Коърсатмали методлар расмлар, намойишлар, кузатишлар.
- ❖ Амалий методлар (машқлар, лабораториядаги амалий ишлар).

Юқоридагилар маълум даражада шартлидир, чунки мазкур методларнинг ҳаммаси ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларни доим ҳам аник чегаралаб бўлмайди. Ўқитувчи дарсга тайёрланишда ва унинг учун энг мувофиқ методларни танлашда айнан шу методларнинг бажарилиши мумкинлигини ва уларнинг структурасини ҳисобга олиб, шу асосида, масалан, рафбатлантириш, тарбиявий ва камол топтириш вазифаларини кучайтирувчи мураббийдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Узбекистан Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистан Республикасини янада ривожлантириш буйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.
2. Ш.М.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан қурайлик. -Т.: "Ўзбекистон", 2017. - 488 б.
- 3.. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Т.2004
4. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Қарши.: Насаф. 2000.
5. Сайдахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). -Т.: Молия, 2003.
6. Таълимнинг фаол усуслари. Услубий тавсиялар. ТВПҚТМОИ. Т.2004.
7. Технология таълимини ривожлантириш стратегиялари модули буйича укув-услубий мажмua. Тошкент-2021
- 8.А.Абдуқодиров, Р. Ишмуҳаммедов. "Таълимда инновацион технологиялар" Т.: 2008. - 128 б, 2022